

## Шоядки, такводор бўлсаларингиз

### Еттинчи кисм

**«Ва Аллох сизга ризк килиб берган халол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз ишонган Аллохга такво килинг». (Моида сураси, 88-оят)**

**«Иймон келтирганлар учун, агар такво килиб, иймон келтириб, яхши амалларни килган бўлсалар, сўнгра такво килиб, иймон келтирсалар, кейин такво килиб эхсон килсалар, еб-ичганларида гунох йўқдир. Зотан, Аллох эхсон килувчиларни севадир».** (Моида сураси, 93-оят)

Ушбу жавобдан Аллохнинг ҳукми келмасдан аввал килинган ишларда жавобгарлик йўқ эканини тушунамиз. Яъни хамрнинг харомлигини эълон килувчи оят хижратнинг учинчи йилида нозил бўлган бўлса, унгача Исломда хамр харом бўлмаган. Ўша лахзагача уни ичган одам харом нарсани ичган бўлмайди. Бу хусусда ҳисоб-китоб хам килинмайди. Унга гунох хам бўлмайди. Ўлиб кетган бўлса, сўрок-савол хам килинмайди.

Шу билан бирга, ояти каримада бундай ишларда иймон ва такво асосий аҳамият касб этишига алоҳида эътибор берилляпти. Диккат билан каралса, киска бир оятда «иймон» ва «такво» сўзлари уч мартадан такрорляпти.

Аввало, бу ҳукм **«иймон келтирганлар учун»** лиги айтилмокда. Албатта, емак-ичмагининг халол бўлишини факат иймонлилар – мусулмонлар суриштирадилар. Улардан бошқаларга нима еб-ичаётганларининг фарқи йўқ. Халолми-харомми, суриштириб ўтирмайдилар. Энг мухими, есалар-ичсалар бўлди. Бу масалада улар чорва хайвонлари кабидирларки, буни ўзлари хам яхши билишади.

Кейин:

**«...агар такво килиб, иймон келтириб, яхши амалларни килган бўлсалар»,** дейилмокда.

Яъни хам иймон, хам яхши амал, хам такводорлик зарур, буларсиз бўлмайди. Оғзида иймон даъво килса-ю, таквоси бўлмаса, иймони йўқ ёки заиф бўлади. Шунингдек, яхши амаллар килиб юрганини ёки энди килмокчи эканини даъво килса-ю, таквоси бўлмаса, бу хам ўрнига ўтмайди. Бундай амалларни яхши деб бўлмайди.

Оятда бундан кейин:

**«сўнгра такво килиб иймон келтирсалар»,** дейилмокда.

Аввалги жумлада иймон билан яхши амалларни кўшиб олиб бориш учун такво зарурлиги ишоратан билдирилган бўлса, бу ерда иймоннинг алоҳида ўзига хам такво зарурлиги таъкидланмокда.

**«...кейин такво килиб эхсон килсалар»**, жумласи билан эса яхши амалларнинг ўзига хам такво зарурлиги таъкидланмокда. Бу нарса ўз навбатида, шуни кўрсатадики, такво, яъни Аллохнинг айтганини килиб, кайтарганидан кайтиш нақадар ахамиятли иш экан. Албатта, такво – киши калбига ўрнашган малакадир, сохибини яхшиликка йўллаб, ёмонликдан кайтариб турувчи, доимо Аллохдан кўркитиб турувчи холатдир. Арокнинг харомлиги хақидаги оят нозил бўлишидан олдин арок ичиб юрган бўлса хам, иймони, яхши амали такво асосида бўлган шахсларга еган-ичганида гуноҳ йўқ. Чунки у пайтда арок харом килинмаган эди. Аммо «Менинг иймоним калбимда, таквом калбимда, эътикод масаласи – шахсий иш», деб арокни ичаётганлар, уни халол десалар, кофир; харом деб туриб ичсалар, осий бўладилар.

**«Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайр килувчиларга халол килинди. Модомики, эҳромда экансиз, сизга куруклик ови харом килинди. Хузурида тўпланадиганингиз Аллохга такво килинг».** (Моида сураси, 96-оят)

**«Сен: «Агар нопокнинг кўплиги сени ажаблантирса хам, пок билан нопок тенг бўла олмас. Эй, акл эгалари, Аллохга такво килинг, шоядки, нажот топсангиз, деб айт».** (Моида сураси, 100-оят)

**«Эй, акл эгалари, Аллохга такво килинг, шоядки, нажот топсангиз».**

Эси-акли бор одамларгина бунака гаплардан ибрат олади.

**«Эй, акл эгалари!»** – деб хитоб килинаётганининг боиси хам шу. Демак, инсоннинг акли бўлса, нажот топиш умид-нияти бўлса, Аллохга такво килиши лозим.

**«Ана шундай килмоклик, гувоҳликни хакконий адо этишларига ёки касамларидан сўнг раддия касам бўлишидан кўркишларига якинрокдир. Аллохга такво килинглари ва кулок осинглари. Аллох фосик кавмларни хидоят килмас».** (Моида сураси, 108-оят)

Яъни юкоридаги икки оят кўрсатмаларига амал килмоклик, аввало, гувоҳликни хакконий адо этишларига якинрокдир. Намоздан кейин кўпчилик ичида Аллох номи билан касам ичтирилиб, сўнгра: «Гарчи кариндошимиз учун бўлса хам, касамни озгина кийматга

сотмаймиз ва Аллох учун гувоҳлигимизни яширмаймиз. Зотан, у холда, албатта, гунохкорлардан бўлиб қоламиз», дейишлари хақиқатан ҳам ҳаққоний гувоҳлик беришларига кучли омил бўлади. Боз устига, улар яна бир нарсадан кўркиб туришади. Агар юкорида айтилган ишлардан кейин ҳам хиёнат қиладиган бўлсалар, меросхўрлардан икки киши раддия қасами ила уларни фош қилишлари, шарманда бўлишлари эҳтимоли бор. Шундан кўркиб ҳам ўзларига ишонилган вазифани виждонан адо этадилар. Булар ҳаммаси эҳтиёт чоралари. Аммо гувоҳликни ҳаққоний адо этишнинг асосий таянчи такводир. Шунинг учун ҳам оят сўнггида:

**«Аллохга такво қилинглари ва қулоқ осинглари. Аллох фосик қавмларни хидоят қилмас»**, дейилмоқда.

Агар инсонда такво бўлмаса, Аллохдан кўркмас, ҳеч нарсадан тап тортмайди. Унга минг бора қасам ичиринг, тепасига мингта мелиса қўйинг, фойдаси йўқ. Одам қачонки Аллохга такво қилиб, унга қулоқ оссагина, атрофига тилидан ва қўлидан яхшиликлар этади. Жумладан, гувоҳликни ҳам ҳаққоний адо этади. Таквоси бўлмаса, фосик бўлади. Фосикни эса Аллох таоло хидоят қилмайди.

**«Хаворийлар: «Эй, Ийсо ибн Марям, сенинг Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира олурми?» – деганларида, у: «Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллохга такво қилинглари», деганини эсла».** (Моида сураси, 112-оят)

**«Бу дунё ҳаёти ўйин-қулгудан ўзга ҳеч нарса эмас. Такво қилувчилар учун охираат ховлиси яхшироқдир. Ақл юритмайсизларми?»** (Анъом сураси, 32-оят)

«У билан Роббиларига тўпланишдан кўрқадиганларни огоҳлантир. Уларга ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ. Шоядки, такводор бўлсалар». (Анъом сураси, 51-оят)

Киёмат қунидан кўрқадиганлар – Роббилари ҳузурда тўпланишдан кўрқадиганлардир. **«У билан Роббиларига тўпланишдан кўрқадиганларни огоҳлантир».**

Қуръони Қарим билан киёмат қунида Роббилари олдида тўпланишдан кўрқадиганларни огоҳлантир. Сенинг огоҳлантиришингни ўшалар ихлос билан тинглайдилар ва ундан фойда оладилар. Чунки киёмат қунида:

**«Уларга ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ».**

Ҳа, ўзлари уларга Аллохдан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам бўлмаслигини яхши биладилар.

**«Шоядки, такводор бўлсалар».**

Шоядки, улар бу огоҳлантиришингдан манфаат олиб, ҳақ йўлини қаттиқ ушлаб, такводор бўлсалар.

**«Такво қиладиганлар зиммасида у (мушрик)ларнинг ҳисобидан ҳеч нарса йўқ. Лекин эслатма бор. Шоядки, такво қилсалар».** (Анъом сураси, 69-оят)

Муаллиф:

16.07.2013 15:45 - Янгиланди 03.07.2017 14:04

---

Мўминлар билан кофир мушрикларнинг ораси очик. Такводор мўминлар мушриклар килган гунохлар учун ҳисоб бермайдилар. Аммо уларни тўғри йўлга – такво йўлига солиш учун ваъз-насихат эслатма гапларни айтишлари бор.

**«Намозни коим килинг ва Аллоҳга такво килинг! У сизлар ҳузурига тўпланадиган Зотдир».** (Анъом сураси, 72-оят)

Аллоҳ, бизларни ҳалол пок ризк ила ризклантиргин. Ўзингга ишондик, яхши амаллар килайлик, эҳсон килайлик. Ҳузурингга тўпланар эканмиз, иймон келтирдик, бизни кулок осувчи, нажот топувчи бандаларингдан кил.

Илоҳим, бу дунё ҳаёти ўйин кулгудан ўзга ҳеч нарса эмас. Бизга такво килувчилар учун яхшироқ бўлган охират ховлисини насиб айла.

Аллоҳим, Китобинг огохлантириши ила Ўзингга тўпланишдан кўркадиганлардан кил, шояд, такводор бўлсак.

Оламларнинг Роббиси, бизни зиммасида мушрикларнинг ҳисобидан, эслатмадан бошка ҳеч нарса йўқ бўлган такводорлардан кил.

Ҳузурингга тўпланар эканмиз, намозларимизни тўла тўкис адо этишда ва такво килишда Ўзинг мададкор бўл.